



НОМИҚ КАМОЛ РОМАНЛАРИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК ВА БАДИЙ ТАЛҚИН

Шукурова Ойша

ТДШУ магистри

orient_vostochka@mail.ru

+998977424406

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7139649>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 01st October 2022

Online: 03rd October 2022

KEY WORDS

Танзимот, Номиқ Камол, романчилик, тарихий роман, тарихийлик, бадиий талқин.

ABSTRACT

Ушбу мақола Туркия адабий тарихининг муҳим даври саналмиш Танзимот адабиётида роман жанрининг тараққиёти, ривожланиши босқичлари; даврнинг ёрқин намоёндаси Номиқ Камол романларининг аҳамиятига бағишиланган. Хусусан, адабнинг “Интибоҳ” ва “Жезми” номли романлари таҳлил этилиб, улардаги бадиийлик концепцияси ўрганилган. Романларда тарихийлик ва бадиийликнинг қай даражада акс этгани очиқлаб берилган.

XIX асрнинг сўнгги чораги мамлакатда содир бўлган муҳим тарихий ҳодисалар роман жанридаги ўзгаришлар, жанрнинг эволюциясида муҳим омил сифатида юзага чиқди. Албатта, мамлакат ҳаётида содир бўладиган жиддий ва кўламдор ҳодисалар нафақат роман жанрининг, балки, умуман, адабиётнинг мазмунига, баъзида шаклига таъсир этиши изоҳ талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бироқ, барча жанрлардан кўра мудом шаклланишда бўлган роман жанрида бу таъсир нисбатан аниқ ва тиник намоён бўлди. Масаланинг бошқа бир жиҳати шундаки, роман жанри тажрибалари жаҳон адабиёти контекстида олиб қаралганда Усмонли салтанатида бирмунча кечроқ шаклланган. Демак, турк адабиётида бу жанрнинг қанчалик даражада ривож топаётгани, унинг тарихий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти масаласига ойдинлик

киритилиши унинг тарихий жараёнга қанчалик ҳозиржавоблиги, у билан қанчалик ҳамнафаслиги билан ҳам белгиланади. Чунки “романлар ҳам қайсиdir ўлчовларда худди одамлар сингари давр фарзандлари” .

Танзимот адабиётининг биринчи даври турк романни ва романнавислиги тараққиётида мураккаб давр бўлди. Бу давр ёзувчилари ижодида умумийлик, адабий жараёнларда романтик йўналишларга юз тутиш тамойили кузатилади. Ёзувчиларнинг ижодий услубидаги бу ўзгаришлар уларнинг Виктор Ҳюго, Жан Жак Руссо асарларидан таъсирланганлиги билан изоҳланади.

Интибоҳ” (“Уйғониш”) романи хуррият шоири сифатида танилган Номиқ Камол томонидан 1873-1876 йилларда адаб сургун қилинган Магоза қалъасида (Кипр) ёзилган. Турк адабиётидаги ilk адабий роман сифатида танилган



“Интибоҳ” романи турк адабиётидаги роман жанрининг илк намуналаридан биридир. Асар ёзилган даврни ҳисобга олсак, Номиқ Камолнинг асарини жанр талабларига мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин. Номиқ Камол “Интибоҳ” романининг ғоясини асар охиридаги “Сўнгги пушаймон – ўзингга душман” деган сўзлар билан ифодалаш билан бирга, романнинг ўзига ҳам “Сўнгги пушаймон” деб ном қўйган. Бироқ асар номи Маориф вазирлиги томонидан Номиқ Камолнинг рухсатисиз ўзгартирилган. Романнинг баъзи қисмлари цензурадан ўтказилади ва китобдан олиб ташланади, номи эса “Интибоҳ: Али бейнинг саргузаштлари” тарзида ўзгартирилади. Китоб нашр этилган пайтда Номиқ Камол сургунда бўлганлиги сабабли, унинг исми “Интибоҳ” романига киритилмаган. Бугунги кунгача “Интибоҳ” романининг дастлабки нусхаси бўлган асл матнига эришишга муваффақ бўлинмаган.

“Интибоҳ” турк адабиётнинг биринчи адабий романидир. Номиқ Камол турк адабиётига ғарбдан кириб келган бу жанрга муваффақиятли тарзда бошлаб беради. “Интибоҳ” романида техник жиҳатидан камчиликлар бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳолат роман муваффақиятига соя солмайди. Айтиш мумкинки, турк адабиётда роман жанри намуналари кам бўлган ўша даврда “Интибоҳ” романи энг муваффақиятли асарлардан бири бўлган. Танзимотнинг биринчи даври ижодкорларидан бири бўлган Номиқ Камолнинг содда тил тушунчаси “Интибоҳ” романида тўлақонли равишда намоён бўлган. Муаллиф асарда ўзи яшаган давр адабий тилидан кўра соддароқ ва тушунарлироқ тилни қўллайди.

Романдаги воқеалар ривожи ва асар тилининг равонлиги ўкувчини қизиқтириб қўяди.

Романда отасидан айрилгач, ҳаёти тубдан ўзгариб кетган йигит тасвирланади. Бу ерда ота образи рамзий маънога эга – тартибни сақлаб турувчи ва уни таъминловчи шахс, яъни отанинг ўлими ҳамма нарсанинг издан чиқиб кетишига сабаб бўлади. “Интибоҳ” романи ёзилган вақтда Усмонлилар салтанатининг аҳволи ҳавас қиласи эмасди. Усмонли империяси бошқа давлатлар томонидан “хаста одам” лақабини олади ва таҳт ворислари мерос учун талашадиган даража тубанликка бориб етганди. Қисқаси, Усмонли империясининг қулаши аниқ бўлиб қолганди. “Интибоҳ” романидаги ота сиймоси Усмонлилар империясининг рамзиdir. Ота вафот этса, фарзандлари қийин аҳволга тушиб қоладилар. Ўша даврда ёзилган романларда ота ёки сарой сиймоси қаламга олиниши одат тусига кирган – роман давомида ота вафот этади ёки қаср сотувга қўйилади. “Интибоҳ”да ҳам рамзий ифода орқали мамлакатнинг таназзули, аҳолининг абгор аҳволи қуйидагича тасвирланади:

Ali, zaten mahzun yaratılışlı bir çocuktur. Kendi hayatından daha üstün tuttuğu babasını, gönlünün olanca sevgisiyle seviyordu. Hiç ümit etmediği, hatta aklının ucundan bile geçirmediği bir anda o aziz varlığı ebediyen kaybedince yaşamının tadını da beraber kaybetti; büsbütün mahzunlaştı. Çok sevdiği kitaplarını okumaktan bile artık zevk almıyor, evvelce düşüncelerinin emesiresi olna dairesine gittiği zaman şimdi zindana atılmış gibi azap duyuyordu. Artık, bütün işi gücü,



odanın bir köşesine çekiliп uzun uzun ah etmek, acı göz yaşları dökmekten ibaretti . Али табиатан маҳзун бола эди. Ўзининг ҳаётидан ҳам устун қўядиган отасини бутун вужуди билан яхши кўрарди. Ҳечам ўйламаган, хаёлига ҳам келтирмаган бир пайтда энг азиз инсонини абадий йўқотиши билан ҳаётининг маъноси ҳам йўқолди; батамом ғамга ботиб қолди. Энг севимли китобларининг мутолааси ҳам завқ бермайдиган, авваллари хаёл суриб ўтирадиган хонасига кирганида ўзини зиндонга ташлангандай ҳис қилиб, азобланадиган бўлиб қолди. Энди қиласидиган иши хонанинг бир бурчагига тиқилиб, узундан-узоқ оҳ тортиш, алам ёшларини тўкишдан иборат эди .

Номиқ Камол сингари ўша давринг бошқа ёзувчилари ҳам жориялар мавзусига тўхталиб ўтганлар. “Интибоҳ”да ҳам жория мавзусини учратамиз. Номиқ Камол жория мавзусига Самипошозода Сазоийнинг “Саргузашт” романидагичалик тўхталмаса-да, балки Дилошуб образи орқали одамларнинг бир буюмдек сотиб юборилишини асарда танқид қиласиди.

“Интибоҳ” романтизм йўналишининг белгиларини ўзида яққол намоён этади. Аввало, қаҳрамонларни кўриб чиқадиган бўлсак, романдаги қаҳрамонларнинг шахсияти аниқ чегаралар билан белгилаб қўйилган. Мисол учун, Моҳпайкар бутунлай салбий, Дилошуб бутунлай ижобий қаҳрамон. Реал ҳаётда учратиш қийин бўлган бундай ҳолат романтизм маҳсулидир. Роман давомида содир бўладиган тасодифлар ҳам романтизм оқимининг инъикосларидир. Реалистик оқимда ёзилган романларда ҳам

тасодифлар юз бериши мумкин. Бироқ реалистик идрок билан ёзилган романлардаги бу тасодифлар қандайдир сабабга мантиқан боғланади. Романтизмда эса воқеалар бутунлай тасодифий бўлиб, романдаги воқеалар ривожини ўзгартириб юборса ҳам, шунчаки тасодиф бўлиб қолаверади. Роман ёзишдаги камчиликлардан бири ҳисобланган бундай тасодифлар ёзувчига роман ёзиш босқичида муаммоли вазиятлардан халос бўлишга имкон беради. “Интибоҳ” романида Дилошубнинг хат ёзаётганда қўлга тушиши, Дилошубнинг Моҳпайкарнинг қотиллик режасини билиб қолиши каби ҳолатлар тасодифан содир бўлади. Бироқ, бу ҳодисалар воқеалар ривожида катта ўзгаришларга олиб келади.

Танзимот даврида ёзилган бошқа романлардаги каби, муаллифнинг ўзини романнинг ичидаги деб тасаввур қилиш ҳолати “Интибоҳ” романида ҳам намоён бўлади. Бу ҳолат “Интибоҳ”да бошқа романларга нисбатан жуда оз кузатилса-да, Номиқ Камол роман охирида айтмоқчи бўлган асосий фикрини ўқувчининг ўзига ҳавола этиш ўрнига “Сўнгги пушаймон – ўзингга душман” деган сўзлар билан изоҳлайди. Тарихий роман жанри барча ҳалқларнинг адабиётида доимо етакчи ўрин эгаллаб келаётган мустақил жанрлардан биридир. Таниқли мунаққид Санжар Содиқ адига Саломат Вафонинг “Тилсим салатанати” (2014) роман муносабати билан билдирган фикрларида ёзувчilarнинг тарихий ўтмишга назар солиши сабабларини таҳлил қиласар экан жумладан қуйидагиларни ёзади:

“Кўпинча ёзувчilar ўзлари яшаётган даврдан, мавжуд ҳаётдан норози бўлган



чоғларида узоқ ўтмишга назар ташлайдилар ва ундан кўнгилларига тасалли берадиган нурли жиҳатлар-у гўзаллик топишга ҳаракат қиласидилар. Иккинчидан, ўз ватанлари, халқлари бошига оғир кулфатлар, урушлар ёпирилиб келганда, адилар олис тарих саҳифаларини тилга киргизиб, аждодлар қаҳрамонлигини ибрат қили кўрстиш йўли билан замондошларини буюк жасоратлару ғалабалар сари чорлашга интиладилар. Ниҳоят, учинчидан, тарихий ёки ўтмиш ҳаёти мавзуларини ёритар эканлар, адилар замондошлари кўз ўнгида қадимги даврларнинг унитилган манзараларини қайта гавдалантириш, ота-боболарнинг, аждодларнинг турмуш тарзи, ҳайратомуз ишлари, нотаниш руҳий дунёлари тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитиш, қалбларни ларзага солиш ва инсон деган деярли тушуниб бўлмас мавжудотнинг сир-асори илдизларидан қай даражададир боҳабар қилиш мақсадини кўзлайдилар" Олимнинг ушбу фикрларида барча миллат адиларининг тарихий мавзуларга мурожаат қилиш сабабларига дахлдор жиҳатлар борлиги билан эътиборга молик. 1880 йилда турк адабиётида илк тарихий роман ёзилади. Айнан шу даврда тарихий романнинг шаклланиши бир неча омиллар билан боғлиқ.

1. XIX аср охирларида Туркиядаги тарихий муҳит (юқорида бу ҳақида муҳтасар маълумот бердик)

2. Европа адабиётидан айнан тарихий романларнинг кўплаб таржима қилинганлиги турк ёзувчиларининг ўз ватани тарихини шундай қизиқиш билан, янгича бир шакл (роман)да

ҳикоя қилиш иштиёқини уйғотган бўлиши мумкин.

3. Миллий адабий анъаналарда тарихий роман унсурларининг мавжудлиги (Ошиқ Чалабийнинг "Туна" қасидаси)

4. Айнан шу даврда илғор жамоатчилик фикрининг тарихга ва инсониятга ҳаққонийлик-реализм нуқтаи назаридан ёндашиш эҳтиёжи ҳар қачонгидан ортди. Чунки, классик адабиётдаги ҳашамдорлик, воқеликнинг романтик, хаёлий тасвиrlаш бадий асарнинг реал ҳаётдан анча узилиб қолганлиги кўрсатди. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб турк кишисининг маънавий-ахлоқий қарашлари, воқелик ва тарихга муносабати тубдан ўзгарди. Чунки атрофдаги воқеликнинг ўзи жадал ўзгара бошлади. Бу ўзгаришларни ифодалашга қодир бўлган бадий тафаккур маҳсули роман эди. Тарихий романлар, Яхё Оринпур таъбири билан ифодалаганда "...бу халқ ҳаёти ва турмушининг ойнасидир. Бу романлар нафақат воқеа-ҳодисаларни, балки миший ҳаёт ва қадриятлар, маънавий ва ахлоқий хусусиятлар, бир сўз билан айтганда, халқнинг борлиғини акс эттиради".

Турк адабиётида Европа андозасидаги илк тарихий роман Номиқ Камолнинг "Жезми" романни бўлди. "Интибоҳ" ва "Жезми" романларининг ёзилиши ўртасида тўрт йиллик танаффус бўлиб, ўтган йиллар ичida Номиқ Камол романчилик тажрибаси ошади, услуги аввалгидан юмшайди. Муаллиф ўзигача яратилган романлардан фарқли равища ушбу асарда илк бор тарихий воқеликни реал шароит билан боғлиқликликда жонлантиради. Макон



ва замон, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари барча-барчаси бош қаҳрамоннинг шуурида “яратилади”. “Жезми” романы 70-йилларнинг охирларида, яъни адабнинг ижодкор сифатида анча камолотга етган бир даврда, образли ифодалаганда “қалами айни чархланган” пайтида ёзилди. Шу сабабли бўлса керак, “Жезми” ёзувчининг тасвир услуги, воқеликни баён қилиш йўсини, бадий тасвир во-сиг-таларидан фойдаланиш жиҳатидан ўзигача бўлган романлардан тамомила янгича усул-да ёзилганлиги билан аҳамиятлидир. Одил Гирай ва Парихоннинг ёзишмалари шубҳасиз Руссонинг “Янги Элоиза” асаридан илҳомланган ҳолда асарга киритилиб, романнинг техник жиҳатдан ўзгачалигини таъминлайди. Аммо ёзувчига бундан ҳам кўпроқ таъсир кўрсатган яна бир асар Ҳюгонинг “Фариблар”идир. Асарнинг бошланишидаги XVI асрнининг узун тасвири Ҳюгонинг 1817 йил, Луи-Филипп ва 1830 йилги инқилоб тасвиридаги матнга айнан ўхшаш. Ёнгин ва дengizgiga ташланган одам тасвири ҳам Ҳую асаридаги дengizdagi одамдан олингани аниқ кўринади. Шунингдек, романдаги тобут ҳикояси “Фариблар”ни эслатади.

Номиқ Камол “Жезми”ни икки жилд қилиб ёзиши режалаштиради. Буни асарнинг сўнгидаги “Биринчи жилдинг ніҳояси” ифодаси тасдиқлайди. Аммо ёзувчи асарнинг фақатгина биринчи жилдини тамомлашга улгурган. Романнинг бош қаҳрамони Мехмет III даврида яшаган сипохий кўмондон Жезми бўлиб, асарда унинг Усмонли-Эрон урушларидағи қаҳрамонликлари, Эронда асирика

тушган Қрим шаҳзодаси Одил Гирайни кутқариш учун қилган ҳаракатлари муаллифнинг жўшқин услуги билан тасвирланади. Одил Гирай, уни севиб қолган Эрон шоҳининг хотини ва синглиси романнинг ніҳоясида вафот этади. Иккинчи китобда Н.Камол ёлғиз Жезмининг ўзининг бошидан ўтганларини ҳикоя қилишни режалаштирган эди. Усмонли мамлакатининг Фарбдаги муваффақиятсизлиги Номиқ Камолнинг эътиборини тарихда қўлга киритилган ғалабаларга қаратишига сабаб бўлган. Ёзувчи ўтмишдаги ғалабаларни эслатиб замон ёшларининг руҳини кўтаришгни истайди.

Тарихий роман бўлган “Жезми”да Номиқ Камол қаҳрамонларни қарама-қаршиликлар асосида қаламга олади. Жезми, Одил Гирай, Парихон, Ойша образлари идеаллаштириб; Ҳамза Мирзо, Шахриёр ва Исмоил II сингари тарихий шахслар салбий қаҳрамон сифатида гавдалантирилади. Моравишида муаллиф ижобий қаҳрамонларга нисбатан юмшоқлик билан муносабатда бўлса, салбий қаҳрамонларга бўлган нафратини яшириб ўтирмаиди. Қаҳрамонлар яшаган давр тарихий кўринишда моҳирлик билан очиб берилган бўлсада, асарда шоирона хаёллар, муболағалар ҳам кўп учрайди. Мазкур романни Номиқ Камолнинг чуқур романтизм руҳида ёзган асари дейиш учун шу каби асослар талайгина. Роман тарихий мавзуда бўлганлиги боис унда макон ва замон муносабати масаласининг қандай ечим топганлиги масаласи кўндаланг қўйилган. Айниқса, гап тарихий роман ҳақида кетаркан, бадий воқеликнинг реал воқелик



билин боғлиқ жиҳатлари, тарихий ва бадиий ҳақиқат мутаносиблиги, реал предметларнинг рамзларга айланиши жараёни билан боғлиқ бир қатор саволларнинг жавоби асардаги хроңнотоп масаласининг ечими билан боғлиқ.

Масаланинг иккинчи жиҳати, ёзувчи ўз ғоявий фалсафасини ифодалашда мамлакат тарихида маълум бир ўрин тутган (хоҳ салбий, хоҳ ижобий бўлсин) шахс қисматини тасвир обьекти сифатида танлаган. Шу ўринда мунаққид олим М. Кўшжоновнинг Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романи таҳлили муносабати билан айтган қуйидаги сўзларини келтириш жоиз бўлади: “Тарихни акс эттиришнинг икки йўли бор. бири хронологик тарзда, танланган қаҳрамон изидан бориб тарихга назар ташлаш; иккинчиси, тарихнинг умум манзарасини қамраб олиб, тарихий воқеалар, бир қанча шахсларнинг тақдирлари орқали танланган қаҳрамон ҳаётига, унинг қилмиш-қидирмишларига назар ташлаш”. Номиқ Камолнинг “Жезми” романи ва тарих орасидаги боғлиқлик асар ёзилган даврдан буён кўплаб мунозараларга сабаб бўлиб келади. Бунда шубҳасизки, тарих-достон-афсона ўртасидаги боғлиқлик муҳим аҳамият касб этади. Романинг туб негизи табиийки тарихий ҳақиқатларга бориб тақалади. Аммо муаллиф тарихда бўлиб ўтган воқеалар ва шахсиятларни ўзига хос ракурсдан олиб кўрсатади. Бир мавзу ҳақида ёзган турли муаллифлар бир-биридан фарқли эпизодларни, қаҳрамонларни асарларига киритганларидек, Номиқ Камол ҳам тарихий роман ёзиш жараёнида ўз

дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ёндашади.

Романда тарихий тафаккур ва давр қиёфаси ҳақидаги мушоҳадалар параллел равишда ривожланади. Инсон ва табиатда яхшилик ва ёвузлик ўртасида курашга бўлган сўнмас қизиқиши муаллифнинг ижодини ўз даври учун замонавий бўлишига олиб келади. У бу мавзуга ҳар хил қирралардан қараб, такрор ва такрор мурожаат этади. Инсонни бахтсиз қиласиган ҳар бир нарсани Н.Камол катта эмоционал куч билан таърифлайди. Ҳақиқатнинг қарама-қаршиликларини кўркувсиз ошкор этади ва китобхонни курашиш лозимлиги ҳақидаги фикр томон ундейди. Айнан шу жиҳатлар Н.Камол асарларига ижтимоий ва адабий қиммат бағишлиб, унинг ўзини гуманизм, ижтимоий тараққиёт сари курашга ундейдиган, жаҳон адабиётининг усталари билан бир қаторга кўяди. “Интибоҳ” ва “Жезми” романларини ҳақли равишда Танзимот даври турк насрининг катта ютуғи деб айтиш мумкин.

Номиқ Камолнинг “Интибоҳ” романи турк адабиётида Европа тарзидаги дастлабки роман ўлароқ алоҳида аҳамиятга эга. Сиёсатчи сифатида танилган Номиқ Камолнинг романларини сиёсат йўналишида баҳолаш тўғри бўлади. Муқаммал жамиятнинг шарти ўлароқ оиласидаги ахлоқий тамойилларни кўрсатган Номиқ Камол “Интибоҳ”да шу нарсага алоҳида урғу беради. “Жезми” романида эса ислом бирлиги ғоясини қардошлик алоқалари билан мустаҳкамлаш фикрини кўтариб чиқади. Иброҳим Нажми Дилман сўзи билан айтганда,



буюк мафқура кишиси бўлган Номиқ Камол романларини ҳам шу нуқтаи назардан қаламга олган.

Номиқ Камол тарихий романи ва тарих орасидаги боғлиқлик асар ёзилган даврдан бўён кўплаб мунозараларга сабаб бўлиб келади. Бунда шубҳасизки, тарих-достон-афсона ўртасидаги боғлиқлик муҳим аҳамият касб этади. Романнинг туб негизи, табиийки, тарихий ҳақиқатларга бориб тақалади.

Аммо муаллиф тарихда бўлиб ўтган воқеалар ва шахсиятларни ўзига хос ракурсдан олиб кўрсатади. Бир мавзу ҳақида ёзган турли муаллифлар бир-биридан фарқли эпизодларни, қаҳрамонларни асарларига киритганларидек, Номиқ Камол ҳам тарихий роман ёзиш жараёнида ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ёндашади.

References:

1. Kemal N. İntibah. – İ.: İnkılap Kitabevi, 2010 .
2. Kemal N. Cezmi. – İ.:Özgür Yayınları, 2014.
2. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Т.:ФАН, 2007.
3. Содиқ С. Ижоднинг ўттизлаҳзаси : Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Шарқ, 2005
4. İbrahim Necmi Dilmen, Namık Kemal'in Romancılığı ve Romanları. Namık Kemal Hakkında, – A.: DTCF Yayınları, 1993
5. Сотиболдиева С. Замонавий форс романчилиги: жанр эволюцияси ва бадиий маҳорат. – Т.: ТДШИ, 2017.